**Ислом КАРИМОВ:**

ЖАМИЯТДА ҲАЁТГА, ЎЗГАРИШЛАРГА БЕФАРҚ ҚАРАЙДИГАН ЛОҚАЙД КИМСАЛАР БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК. БУ ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИ ОРҚАГА СУРИБ ЮБОРАДИ. ИНСОН БУЮК, ЭЗГУ ОРЗУЛАР БИЛАН ЯШАСИН. УНИ НАФАҚАТ МАМЛАКАТ, БАЛКИ ЖАҲОНДА РЎЙ БЕРАЁТГАН ҲОДИСАЛАР ҚИЗИҚТИРСИН. ДУНЁҚАРАШИ, ОНГИ ЧЕГАРАЛАНИБ БИР ҚОЛИПДА ҚОЛМАСИН. МИЛЛИЙ ҒУРУР, ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ ҒОЯЛАРИ УНГА ДОИМО ҲАМРОҲ БЎЛСИН.


# O'zbekiston ovozi

*Шу азиз Ватан — барчамизники*

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI 2000 YIL 26 AVGUST SHANBA № 98-99 (26.649)


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

**Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, давлат ва халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, ислоҳотларни амалга оширишдаги фаол иштироки ва қаҳрамонона меҳнатлари учун қуйидагиларга «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» унвони берилиб, олий нишон — «ОЛТИН ЮЛДУЗ» медали топширилсин:**

**АБЛАКУЛОВ Хазрат** — Ғиждувон тумани С. Айний номли ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Бухоро вилояти

**ДЖУМАНИЯЗОВ Бекдурди** — Хива тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Хоразм вилояти

**ЖУРАЕВ Юрсинбой** — Олтиариқ тумани Б.Отақулов номли ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Фарғона вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 25 август



АБЛАКУЛОВ Хазрат



ДЖУМАНИЯЗОВ Бекдурди



ЖУРАЕВ Юрсинбой

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИ РИВОЖИГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН АДАБИЁТ ВА САНЪАТ УСТАЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Бетакрор истеъдоди ва қолдирган ўлмас мероси билан ўзбек миллий маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини Ватан, халқ, миллат тараққиётига бағишлаган ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб, эл-юрт олдидаги унутилмас хизматларини инобатга олиб, қуйидаги марҳум адиб ва санъаткорлар «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин:**

**Ғафур Ғулом** — академик, Ўзбекистон халқ шоири

**Ойбек (Мусо Тошмуҳаммад ўғли)** — академик, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

**Абдулла Қаҳҳор** — Ўзбекистон халқ ёзувчиси

**Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов** — ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти

**Муҳиддин Қориёқубов** — Ўзбекистон халқ артисти

**Юнус Ражабий** — академик, Ўзбекистон халқ артисти

**Аброр Ҳидоятов** — Ўзбекистон халқ артисти

**Жўрахон Султонов** — Ўзбекистон халқ артисти

**Маъмуржон Узоқов** — ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти

**Комилжон Отаниёзов** — ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти

**Ботир Зокиров** — Ўзбекистон халқ артисти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 25 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ҚЎМИТА, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Мамлакатимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш кадрларни тайёрлаш, санъат ва алоқа соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга Фахрий унвонлар берилсин:**

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ»

**АБДУВОХИДОВ Абдулхамид** — Наманган вилояти Чуст туманлараро прокурорининг ёрдамчиси

**ВАКИЛОВ Рискиддин Абдулхакимович** — Қашқадарё вилояти судининг судьяси

**ДАДАБОЕВ Тулан Турсунович** — Сирдарё вилояти ҳокимияти адлия бошқармасининг бошлиғи

**МИРСАМАДОВ Мирфайзи Миряхъяевич** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчилик бошқармасининг бўлим бошлиғи

**ПАЛВАНОВ Султан** — Ўзбекистон Республикаси прокуратураси бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**ШАРАФУТДИНОВ Алишер Озатович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов бошқармаси бошлиғи

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ»

**МАЛЛАБОЕВ Авазбек Ғанижонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ашула ва рақс ансамблининг бошлиғи

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

**МАХМУДОВ Даврон Муйдинович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Назорат ва ижро интизоми бўйича гуруҳ раҳбари

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АЛОҚАЧИ»

**САЙДАРИПОВ Тохир** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»

**ХАЛМАТОВ Батир Зиёмович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосари

***Мамлакатимизнинг иқтисодиётини юксалтириш, унинг мудофаа қудратини ошириш, миллий хавфсизлигини таъминлаш ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси, ватанимиз мустақиллигини ҳимоя қилишда кўрсатган фидойилиги ва мардлиги, Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ҳамда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:***

### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**МУХИТДИНОВА Халима Қодировна** — Тошкент юридик коллежи директорининг ўринбосари

**ХЎЖАЕВ Ботир Асадиллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси

*(Давоми 2-ва 3- бетларда)*

КЎНҒИРОҚ

**Ҳар сония қўнғироқлар бўлаяпти. Элдошларимиздан мактублар келаяпти. Уларда душманга ғазаб, нафрат билдирилаяпти. Ҳар бир юртдошимиз, ёв билан курашаман, деяпти.**

**Уйғонган, оёққа қалққан халқ ҳеч қачон ўз ерини душманга бериб қўймайди. Бугун телефон орқали айтилган айрим гапларни қоғозга туширдик.**

133-06-83

133-44-55

**Чори ХУДОЙҚУЛОВ, Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани, «Шакарқамиш» жамоа хўжалиги:**

— Матбуотни мунтазам кузатаяпмиз. Кўзимиз телевидениеда. Бу ҳароми босқинчилар ўз қилмишига яраша жазосини топаяпти. Олтинсой Сариосиё ва Узун туманларига яқин жой. Халқ ичида ваҳима кучайгани йўқ. Ишонасизми, бугун одамларнинг нафрати шунчаликки, керак бўлса, душманнинг пайи қирқилаётган тоғларга бориб жангга киришга шай.

**Гулчеҳра ЗОКИРОВА, Наманган шаҳри, талаба:**

— Бу иблислар ва уларнинг бошлиқларининг номини тилга олишга ҳам одам ҳазар қилади. Жума дегани Наманганни ўзига тахаллус қилибди. Наманганликлар сендан юз ўгирганда, шу жойнинг номини тахаллус қўйишга сенинг ҳаққинг йўқ. Наманганда, умуман ер юзида сенга жой йўқ, ифлос! Сен халқингни, Ватанингни сотгансан!

**Руслан НОРЧАЕВ, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, талаба:**

— Ака, мен ишонасизми, чумчуқни ҳам сўймаганман. Бироқ, ўша босқинчиларга дуч келсак, қонин тўкардим, бўғизлардим, тилкалардим. Тоққа бориб, душман билан жанг қилишга тайёрман.

**Абдусаид ота Қўшмонов, Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, Чаёнли қишлоғи:**

— Уч ўғлим бор. Худога шукр, ёвга тик боролади. Ўша ипирисқиларнинг жонини суғуриб олишга кучи етади. Сариосиё ҳам, Узун ҳам менинг юртим, Ватаним. Ғаним, менинг уйимни пайҳонлади. Душман ҳали кимнинг ерини топташга жазм қилганини билмаган кўринади.

Мен каби инсонлар ҳам ўз ўғиллари билан душманга қарши чиқиб, гумдон қилиш учун ҳозир.

**Уста Неъмат НУРИДДИНОВ, Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри:**

— Малъунларнинг қолган қутгани ҳам ўлим топиши аниқ. Уликлари қурт-қумурсқага талаш бўлаяпти. Халқнинг нафрати — олов. Душман олов билан ўйнашди. Нафақат менинг хонадоним, бутун марғилонликлар ёв йўлига тўғоноқ бўлади...

**Барот БЕРДАЛИЕВ, Сирдарё вилояти, Сайҳунобод тумани, тадбиркор:**

— Тоҳир Йўлдош бўладими, Жума Намангоний бўладими (садқаи тахаллус кет, ифлос) бир қўлим билан ҳар иккисини бўғиб ўлдироламан. Эй, бетайин, ўз юртингга, киндик қонинг томган жойингга хиёнат қиласанми?! Сен халқнинг тавқи лаънатига учрагансан.

**Гулжаҳон СУЛТОНОВА, Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университети филология факультети талабаси:**

— Мен барча ёшларни огоҳ бўлишга чақираман. Халқаро терроризм, наркобизнес каби иллатлар авж олаётган бир даврда юртимиз Ўзбекистонни жон-жаҳдимиз билан ҳимоя қилишга, керак бўлса, жонимизни фидо қилишга тайёр турайлик.

**Сабоҳат РАҲМОНОВА, Андижон вилояти, Хўжабод тумани, Ширмонбулоқ қишлоғи:**

— Шулар менинг уйимга — Ўзбекистонга бостириб кирмоқчи бўлишдими?! Аёл бошим билан қўлимга қурол олиб чиқишга тайёрман. Ҳеч бўлмаса шу ҳайвонларнинг икки-учтасини ўлдирсам, кейин майли, пешонамдагини кўраман. Лекин бир нарсани биламан: халқнинг тинчлигини бузганлар ниятига етолмайдилар.

**Собир ҚУДРАТОВ, Самарқанд вилояти, Қўшработ туманидаги «Зарминтан» кони хизматчиси:**

— Шундай юртга кўз олайтирганларнинг кўзи оқиб тушади. Уларнинг асл нияти ёш болага ҳам аён. Ҳеч ким ўз тинчлигидан ажрашни хоҳламайди-ку! Бизнинг ватанимиз ювуқсизлар қўлига ўтмайди.

**Бахтиёр КАРИМОВ, Бухоро вилояти, Коғон тумани:**

— Розиман, душман отган ўқ менга тегсин. Лекин болачақам, хонадоним, юртимни топтатиб қўймайман.

**Маҳмуд ҲАЛИМОВ, Навоий вилояти, «Ўзуйжойжамғармабанк» Зарафшон шаҳри бўлими:**

— Аламим келяпти. Ғазабим қўзғаяпти. Ай, шу жонимни аяб ўтирсам йигит эмасман. Душманнинг йўлига ғов бўлиб чиқаман. Курашаман. Булар Ўзбекистон йигитларининг ким эканлигини билишмаса керак ҳали.

**Нуриддин АМИНЖОНОВ, Хоразм вилояти:**

— Бугун ёвдан қўрққан ўзбек эмас. Ўз юртини бериб қўйган ҳам.

**Мўмин ХЎДОЙБЕРГАНОВ, Тошкент вилояти, Тошкент тумани:**

— Мен уруш кўрганман. Ҳеч нарсадан қўрқмайман. Юртим ҳимояси учун тоғда ҳам, чўлда ҳам жанг қиламан. Керак экан, Ватан ҳимояси учун қурол олишга тайёрман, аммо душманни янчимагунимча тинчимайман. Шу гапларимга кимки шубҳа қилса, Ўзбекистоннинг тузи кўр қилсин. Душманга, чаёнлар тўдасига ўлим!

**Алоқада:**
**Қўчқор НОРҚОБИЛ**

# ВАТАННИНГ ҲАР ҚАРИЧ ЕРИ МУҚАДДАС!

ВОҚЕА ЖОЙИДАН РЕПОРТАЖ

## ТЕРРОРЧИЛАР АЛБАТТА ЯКСОН ҚИЛИНАДИ

Ёвузларнинг асосий қисми — бош бўғини янчилди. Улар боши узилган илон куйига тушиб қолишган. Лекин чаённинг касби заҳарлаш бўлганидек, илон ҳам думи билан бўлса-да, қаршилик кўрсатади. Бу — ҳаёт қонуни. Эҳтиёткорлик билан пухта ва аниқ ҳаракат қилинмас экан, талафот кўрилади. Лекин бош мақсад қурбонларсиз кураш олиб боришдир.

Иккинчидан, душман чиқиб кетиш эҳтимоли бўлган Ҳисор тоғ тизмаларида блок постлар янада мустаҳкамланди. Қуроляроғ, ўқ-дори заҳиралари кўпайтирилди. Турли нуқталардаги кузатув воситаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ташқи ҳалқа душман келиши эҳтимоли бўлган дара, йўл ва тоғлар ҳам туну кун қаттиқ назоратда.

Террорчилар ғимирлаб қолишган. Ёрдам йўқ. Тезкор маълумотларга қараганда, куни кеча Сариосиё туманидан 110 км узоқликда жойлашган Сағдар дарасида террорчи гуруҳлар ўзларининг 6 та ярадор шерикларини ҳам отиб ташлашган. Ўқ-дори, озиқовқат буткул тугаган. Нажотдан умид йўқ.

— Ички ҳалқа тобора сиқувга олинмоқда, — дейди бирлашган қуролли кучлар қўмондони. — Шошилишга хожат йўқ. Олий бош қўмондон, мамлакат Президенти айтганларидек, разведка ишларига чуқурроқ ёндошмоқдамиз. Аввало душман истеҳкомлари, улар макон қилган ғор ва даралар синчковлик билан кўздан кечирилмоқда. Шунингдек, разведкачиларимизнинг тезкор маълумотларига қараганда, Киштут ва Анидарча атрофидаги қишлоқлардан аёллар тушириб қолдирган упа-элик ва бошқа аёллар буюмлари топилган. Бундан эса террорчи гуруҳлар орасида хотин-қизлар бўлиши мумкин, деган хулосага келинмоқда.

Куни кеча фақат Қораюрт дарасида жангчиларимиз ва террорчилар ўртасида қисқа муддатли отишувлар бўлди. Талафотлар йўқ. Маълумотларга қараганда, жангарилар таслим бўлиш ҳақида ҳам билдирувлар қилишган.

— Энди уларнинг мурдалари ҳам керак эмас, — дейди қўмондон. — Жангда туб бурилиш бўлди. Террорчилар албатта яксон этилади.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тезкор ҳаракатлари туфайли Ховот ва Тамшуш қишлоқларида эвакуация ишлари яна давом эттирилмоқда, бир қанча оилалар Сариосиё ва Узун туманларига кўчирилди.

Ҳурватан, Замбак ва бошқа қишлоқларнинг аҳолисини вилоятнинг Денов, Шўрчи, Олтинсой, Қумқўрғон ва бошқа туманларига жойлаштириш режалаштирилган.

Бу қишлоқларга хавф-хатар бўлгани йўқ. Лекин судралаётган ёвуздан ҳар нарсани кутиш мумкин. Шу боис аҳоли зудлик билан хавфсиз жойларга келтирилмоқда.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**


ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ НУФУЗЛИ ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТАБАНК»

*Аҳолига кенг кўламда янги, манфаатли ва қулай омонат турларини таклиф қилади:*
*Нафақа ёшидаги отахон ва онахонлар учун исталган вақтда ҳисобланган фоизларни олиш билан 1 йил муддатга, қўйилган маблағлардан келиб чиққан ҳолда 38 дан 50 фоизга қадар даромад тўланадиган «НАФАҚА» омонат тури.*

*Шунингдек, Сиз пулингизни исталган муддатга фоиз ставкаси йиллик 45 фоизгача белгиланадиган «2000», «Фаровонлик», «Навниҳол», «Оқ олтин», «Пахтакор» ва бошқа шу каби муддатли омонат турларига «Пахтабанк»нинг исталган бўлимида жойлаштиришингиз ва Сиз учун қулай вақтда олишингиз мумкин.*

ОМОНАТИНГИЗНИ КАФОЛАТЛИ АСРАЙМИЗ ВА КЎПАЙТИРАМИЗ!

«ПАХТАБАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

# МУСТАҚИЛЛИК НЕЪМАТИ




Мустақиллик неъматлари ҳақида қанча эҳтирос ва ҳайрат билан ёзсак арзийди.

Мустамлаканинг жабру ситамларини тортганлар мустақилликнинг қадрига етади. Ёш авлод мустамлака нималигини синаб кўрмаган.

Бир мисол. Мен собиқ иттифоқ пайтида чет элларда кўп бўлганман. Хориж сафари мароқ бахш этиш ўрнига кишини таҳқирлаш, хўрлашга айланарди. Сафарга отланишдан аввал юз чиғириқдан ўтиш лозим эди. Чунончи, ишлаб турган жойингиздан уч ташкилот — раҳбарият, партиябюро ва касаба уюшмаларидан ишончли ходим эканлигингиз ҳақида тавсиянома олардингиз. Кейин уни райкомдан тасдиқлатиб келардингиз, у ерда кекса коммунист фахрийларидан иборат комиссия сиз билан (олиммисиз, адибмисиз, муаллиммисиз барибир) суҳбатсинов ўтказарди. Аҳмоқона саволлардан иборат имтиҳондан ўтганингиздан кейин ҳужжатларингиз тегишли жойга жўнатиларди. У ердан эсон-омон қутулсангиз —шундан кейингина ўз пулингизга сайёҳлик йўлланмасини сотиб олардингиз. Иш битди, деб яхши кайфият билан сафар тараддудини кўра бошлардик. Аммо саёҳатга чиқиш олдидан бутун гуруҳни йиғиб панднасиҳат қилинарди. Чет элда ўзингизни қандай тутишингиз, ҳеч ким билан сўзлашмаслик, алоқа қилмаслик, кўчага чиққанда гуруҳдан ажралмаслик, зинҳор-базинҳор олиб-сотарлик қилмаслик, беҳаё расмлар харид этмаслик, хуллас, совет граждани, деган «шарафли» номга доғ туширмаслик ҳақида шартлар қўйилганди. Қизиғи шундаки, сайёҳларга ақл ўргатадиган кишидан ақл-идрок талаб этилмас, юқори лавозим эгалласа бас, бесавод сўтак бўлса ҳам олимларга, санъат арбобларига маънавиятдан «дарс» бераверарди.

Қайси мамлакатга йўл олманг, фақат Москва орқали бориларди. Ҳатто Ҳиндистонга ҳам Москвага учиб кейин орқага қайтиларди.

Ниҳоят темир искажалардан, хўрлашлардан қутулиб чет элга парвоз этардик. Аммо у ерда ҳам иззат-нафсимиз лат ерди. Борилган куниёқ совет элчихонасига учраб, навбатдаги кўрсатмалар олишарди. Қисқаси, ҳаловат йўқ эди, гуруҳбошлар бир-бирига шубҳа билан қарар, ичимизда КГБ ходимлари ва улар ёллаган айғоқчилар борлигини ҳамма биларди. Сафар харажатларига фақат 40 АҚШ доллари алмаштирилиб бериларди. Шу туфайли, уйга совғасаломсиз қайтмаслик учун баъзи сайёҳлар майда чайқовчилик билан шуғулланишга мажбур эдилар. Дейлик, машҳур профессор бир шиша арақ сотиб пулига набирасига «жевачка» олганига ўзим гувоҳ бўлганман.

Социализм маёғи бўлмиш совет мамлакатининг фуқаролари чет элда қашшоқлардек юрарди ва энг пасткаш одам сифатида донг таратганди.

Маънавий жиҳатдан ҳам кўп ҳолларда ичимиздан зил кетардик. Миллати йўқ беватан эдик, Ўзбекистонданман деёлмасдик, СССР Ватаним маним дердик.

Ресторанларда овқатланаётганда хорижий сайёҳларнинг столи устида ўз юртининг байроғи турарди. Бизда СССРнинг қизил байроғи. Орзу қилардик: қани энди Ўзбекистон мустақил бўлса-ю, биз ҳам ўз байроғимиз остида ўтирсак, деб. Лекин бу гапни айтиш... Чунки бундай ниятдаги одам хоинликда айбланиб, Ватан душмани сифатида қатағон қилинарди.

Уч йил муқаддам Қоҳирада бўлдим.

Ва биринчи бор ўзимни тўлақонли инсон ҳис этдим. Шаҳар марказида Ўзбекистон элчихонасини, бино тепасида ҳилпираб турган байроғимизни, эшик пештоқида ўз туғимизни кўриб, юрагим фахр ва ғурурга тўлди, ўзлигимни таниб эҳтирослар гирдобида чарх урдим.

Яна бир мисол. Мажлисларда ўз тилимизда бир сўз айтолмасдик, руҳан эзилардик, думимизни қисиб, тилимизни тийиб яшардик. Чизилган чизиқдан чиқмай бош эгиб, итоаткорона яшардик. Еримизга, сувимизга, мулкимизга, бойлигимизга хўжайин бошқа эди. Биз ул ерда хизматкор, қул эдик.

Мустақиллик шарофати билан ўз тилимизда сўзлашишдек бахтга муяссар бўлдик. Тилимизга қайта жон киритишда Президентимизнинг саъй-ҳаракатини, ташаббусини алоҳида қайд қилмоқ лозим.

Ҳозирги ёшлар компартия номли даҳшатли куч бошимизга не кулфатларни солганини яхши билмайдилар. Коммунистларнинг мафкураси ўзининг туб моҳияти билан ҳурлик ва адолатга, инсоний ахлоқларга зид эди.

Компартия якка ҳоким эди, бинобарин кўп партиялилик, фикрлар турлилигига, баҳс-мунозаралар ҳақида оғиз очиш қатъиян тақиқланади. Шу туфайли ҳур фикрли фозил инсонлар руҳан эзилиб умр кўрдилар. Инсон моддий қийинчиликларга, очлик-яланғочликка бир амаллаб чидаши мумкин.

Аммо маънавий, руҳий азоб моддий танқисликка нисбатан минг карра оғирроқ. Негаки, дардингизни, қайғу-аламингизни очиқ айтсангиз, енгил тортасиз, айтолмасангиз, қайғу-алам ичингизни ўртаб, кучайиб кетаверади. Биз гунг бўлиб яшашга маҳкум этилгандик.

Компартия даврида битта ғоя, битта фикр, битта мафкура ҳукмрон эди, шу боис, халқ ҳайдаган томонга кетаверадиган подага айланганди.

Коммунистлар динни ғарот қилиб ҳаммани ашаддий даҳрийларга айлантирди.

Намозхонлик, тўйда домлага никоҳ ўқитиш, яқинларингиз вафот этса жаноза ўқитишлар қатъиян ман этилган, ўзбошимчалар ишдан ҳайдалар, партиядан ўчирилар ёки оғирроқ жазо оларди. Бу гапларда зиғирча муболаға йўқ. Ҳатто сумалак пишириш, Наврўз байрамлари — диний маросим, деб тақиқлаб қўйилганди.

Оллоҳга шукр, бу жиҳатлардан қутулиб, рўшноликка чиқдик.

Мен умрим давомида Ўзбекистонимизга раҳбарлик қилган кўп арбобларни кўрдим. Гап шундаки, ҳаммаси ҳам Москвага тобе эди, мустақил иш олиб боролмасди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди, сал ўз билганча иш тутмоқчи бўлса дарров думи тугилиб, ўрнига итоаткор ижрочи тайинланарди.

Мана шу жиҳатдан олиб қарасак, Ислом Каримов Президент бўлган биринчи кундан бошлаб нафақат ўзини, балки бутун Ўзбекистонни мустақил бўлишини кўзлади ва мақсадига эришди.

Мен ҳаётда Президент билан юзма-юз учрашмаганман, фақат телевизор орқали кўрганман ва маърузаларини тинглаганман. Ва доим қойил қоламан: унинг ҳар томонлама билимга эгалигидан, донишмандлигидан.

Гоҳида телевизорда Президентимизни олий меҳмонлар билан мулоқотларини диққат билан кузатаман.

У ҳеч қачон бўш келмайди. Истаган давлатнинг истаган раҳбари билан баробар гаплашади, юртимиз ва халқимиз манфаатини жон-жаҳди билан ҳимоя қилади. Вазмин тутади ўзини, ҳурмат доирасидан чиқиб кетмайди. У-темир иродали ҳақиқий курашчи. Раҳбар бўлса, шундай бўлсин.

Мустақиллик ато этган яна кўп неъматларни санаб ўтиш мумкин эди. Лекин мен бошқа бир масала билан мақоламни якунламоқчиман. Мустақиллик осмондан тушадиган чалпак эмас, у йиллар давомида шаклланадиган машаққатли жараён. Унинг йўлида ғовлар кўп бўлади ва, минг афсуски, табиатнинг шафқатсиз қонунига кўра мустақилликка эришиш, уни сақлаб қолиш учун қон тўкишга тўғри келади. Бугун биз бунинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Бироқ мустақилликка эришган халқ ҳеч қачон бўйнига қайтадан кишан солинишига йўл қўймайди. Бу тарихда бўлмаган, бўлмайди ҳам. Халқ иродасини синдириш қийин.

Ғовлардан ўтамиз бунга асло шубҳа йўқ. Кейинчалик ҳам йўлимиз сипсиллиқ бўлмайди. Ғадир-будурлар, ўнқир-чўнқирлар учрайди. Бу табиий.

Биз адолат ва оқиллик билан иш юритсак, иймонли ва инсофли, ростгўй ва саховатли бўлсак, иншооллоҳ, буюк давлатга айланажакмиз. Бизнинг халқимиз бунга қодир!

■ **Фарҳод МУСАЖОН**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ҚЎМИТА, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

### 1-ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

**БИКОВ Вячеслав Николаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари жанговар тайёргарлик бошқармасининг комиссия раиси

**НУРМАТОВ Сайфулло Очилович** — Бухоро шаҳар Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — тергов бўлими бошлиғи

**ХУДАЙБЕРГЕНОВ Турсинхон Айдарович** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи

### 2-ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

**АВАЗЖОНОВ Фарҳод Спартакович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари — штаб бошлиғи

**АЛИЕВ Александр Евгеньевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**АХМЕДОВ Эркин Эргашевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Бухоро чегара ҳудуди — бўлинма офицери

**АХУНОВ Сраджиддин Таджиддинович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бошқарма бошлиғи

**АШИРОВ Шермухаммад Эргашалиевич (марҳум)** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги вертолёт қисмининг штурман-учувчиси

**БАРАНЕНКОВ Дмитрий Николаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари вертолёт эскадрильяси командири

**БИКОВ Николай Юрьевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**ДОНИЁРОВ Зиёвитдин Хуснитдинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**ЖАЛИЛОВ Маҳмуджон Мўминович (марҳум)** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмаси гуруҳининг командири

**ИСАБАЕВ Ержан Таирович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси Патрул-пост хизмати сардори

**КАДИРОВ Гайрат Таирович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг 1-ўринбосари — коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш бошқармаси бошлиғи

**КУРНОСОВ Борис Павлович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**МИРПАЯЗОВ Миржалол Хамидуллаевич** — Тошкент вилояти Божхона бошқармаси Ғиштқўприк божхона назоратини ўтказиш комплекси инспектори

**МУЛЛАЖОНОВ Тохир Охунович** — Жиззах вилояти Ички ишлар Бошқармаси бошлиғи

**МУФАЗАЛОВ Рафик Рауфович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари радиотехник қисми командири

**НАЗАРОВ Алишер Руштибекович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Жиззах чегара ҳудуди бўлинмаси бошлиғининг ўринбосари

**НАСИРОВ Садирхон Халходжаевич** — Самарқанд вилояти Божхона бошқармаси бошлиғи

**ОМОНОВ Фарходжон Зомонович** — Жанубий-Ғарбий ҳарбий округ прокурори

**ПИРЖАНОВ Баходир Нуржанович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Сўх чегара ҳудуди бўлинмаси бошлиғи

**ПОЛОТБАЕВ Алижон Аҳмаджонович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Термиз чегара ҳудуди бўлинмаси бошлиғи

**ПЯГАЙ Илья Васильевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш бош бошқармасига қарашли бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**РАЖАБОВ Гафуржон Зоирович (марҳум)** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий техник билим юрти жисмоний тайёргарлик ва спорт кафедрасининг ўқитувчиси

**РАХМАНОВ Джакбар** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармасининг бошқарма бошлиғи

**РАХМОНОВ Тўлқин Ахмаджонович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси божхона назоратини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи

**САДИНОВ Сайёр Саидович (марҳум)** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмасининг гуруҳ командири

**САЛИМОВ Алишер Сатторович (марҳум)** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмаси гуруҳ командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари

**САПАРБЕКОВ Кудияр Кудратович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги алоқа узели бошлиғи — бошқарув пункти бошлиғи

**СМИРНОВ Юрий Николаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмасининг гуруҳ командири

**ТЕЛЕМБАЕВ Акрам Марсович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғининг ўринбосари

**УТАГАНОВ Махмуджон Инаятович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари — чегара қўшинлари Бош штаби бошлиғи

**ФАЙЗИЕВ Хабибулла** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқарма бошлиғи

**ХАЛИМОВ Хакимбой Аширович** — Қорақалпоғистон Республикаси Прокурори

**ХАМРАЕВ Абдували Баисович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмасининг гуруҳ командири

**ХОШИМОВ Баходир Дадажонович (марҳум)** — Андижон вилояти ички ишлар Бошқармаси жамоат тартибини сақлаш бўлимининг бошлиғи

**ШАМСИЕВ Умматали Хакимович** — Андижон вилояти прокурори

**ШИЛМАНОВ Джанабай Палимович** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири

**ЭГАМБЕРДИЕВ Шарифжон Каримович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси бошлиғи

**ЭРНАЗАРОВ Юсуф Қодирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**ҒАНИЕВ Бобир Абдулхамидович (марҳум)** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмаси гуруҳ командирининг ўринбосари

### «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**КАДИРОВ Раджаб Кадирович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари

**ТРИМАЙЛОВ Игорь Евгеньевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**МАТЧАНОВА Салима Авлиякуловна** — Навоий вилояти Учқудуқ шаҳар судининг раиси

**МАХМУДОВ Марат Мирсаидович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ахборот маркази бошлиғи

***Республикада миллий хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жамоат тартибини муҳофаза қилиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида кўрсатган жасурлиги ва мардлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:***

### «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН:

**АБДИЕВ Хайдар Норқазақович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинма отряд командири

**АБДУЛЛАЕВ Фарход Шоазимович (марҳум)** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлар бош бошқармаси ҳарбий қисм пулемётчиси

**АБДУҚОДИРОВ Махамадсодиқ Эксанжанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг курсантлар бўлинмаси командири

**АБДУРАЗЗОҚОВ Ўткир Иззатуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳаво-десант қисмининг парашют десант бўлинмасининг гуруҳ командири

**АБДУРАСУЛОВ Абдураим Раззоқович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**АБДУРАХИМОВ Таълимбой Жалилович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Тошкент вилояти божхона бошқармасининг «Ойбек» божхона бўлинмаси кичик инспектор кинологи

**АЛИЕВ Сарвар Усманович** — Ўзбекистон Республикаси прокуратураси бошқарма бошлиғи

**БАРНОЕВ Улуғбек Абдуллаевич (марҳум)** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмаси гуруҳининг мутахассиси

**БЕКБУДОВ Эркин Ниёзович (марҳум)** — Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси ҳарбий бўлинмаси снайпери

**БЕРДИЕВ Қобил Раимович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг Бош штаби бошқарма бошлиғи

**БИТАЕВ Жумадилла Тулевбердиевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг патрул-пост хизмати милиционер-ҳайдовчиси

**БОБОҚУЛОВ Рустам Худоймуродович** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль назорати бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

**БОБОШАРИПОВ Шарофиддин Рахимович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинларининг «Жануб» минтақавий штаби отряд командирининг ёрдамчиси

**БОВКУН Лев Сергеевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари «Жануб» минтақавий штабининг гуруҳ командири

**БОКОЕВ Бобир Бофоевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Қўқон чегара ҳудуди тезкор бўлинма командирининг ўринбосари

**ВЕТЛУГИН Геннадий Юрьевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари авиация техник лабораторияси бошлиғи

**ДАДАБОЕВ Йўлдош Рахмоналиевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинларининг «Жануб» минтақавий штаби бўлинмасининг мутахассиси

**ЖАКБАРОВ Давлатбек Мирзаевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинлари «Шарқ» минтақавий штаби бошлиғининг ўринбосари — бўлим бошлиғи

**ЗАЙДИНОВ Зарифжон Нематович (марҳум)** — Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Қўқон чегара ҳудудининг бўлинма командири

**ЗАЙЦЕВ Илья Владимирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги жанубий-ғарбий ҳарбий округи штаби бўлимининг катта офицери

**ЗОХИДОВ Шухрат Уткирович** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси бўлинма командири

**ИКРАМОВ Шухрат Солиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**ИЛАЛОВ Рустам Илгизович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**КАЛДИБЕКОВ Норбек Баратович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси чегара қўшинларининг «Жануб» минтақавий штаби гуруҳининг командири

**КАРИМОВ Шавкат Ширинович** — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси бўлинма милиционери

**МАДОЛИМОВ Қахрамонжон Нишонбоевич (марҳум)** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинмасининг тиббиёт фельдшери

**МАМАЖОНОВ Вахобжон Абдухалилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жанубий-ғарбий ҳарбий округининг инженер-сапёр қисмининг командири

**МАТКАРИМОВ Улуғбек Йўлдошевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**МАТҚОБИЛОВ Рафиқжон** — Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита бошқармасининг бошлиғи

**Машковцев СЕРГЕЙ Анатольевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари вертолёт қисми командирининг ўринбосари

**МЕЙЛИЕВ Зокир Хуррамович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармасининг бўлинма командири

**МУЗАФФАРОВ Зокир Чориевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қашқадарё вилояти Ички ишлар Бошқармаси ёнғиндан сақлаш бошқармасининг ҳарбийлаштирилган ёнғиндан сақлаш бўлими радио алоқачиси

**МУРОДОВ Абдулла Абдурахимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги мах-

*(Давоми 3-бетда)*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

# ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР УЧУН «НИҲОЛ» МУКОФОТИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

***Ёш истеъдод эгаларининг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги муҳим ўрнини инобатга олиб, ўзининг мусиқа, матн ва ижро маҳорати билан одамларнинг юрагига етиб борадиган, эзгуликка чорлайдиган, ирода ва иймон-эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:***

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, ижодий уюшмалар ва санъат жамоатчилигининг ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш учун «Ниҳол» мукофотини таъсис этиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

«Ниҳол» мукофоти якка ва туркум мусиқий асарлар яратиш ва ижро этишда юксак бадиий маҳорат кўрсатган, 30 ёшгача бўлган ижодкорларга ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида тантанали вазиятда топширилади.

2. «Ниҳол» мукофоти совринининг рамзи, Низоми ва мукофотга тавсия этилган номзодларнинг ижодий ишларини кўриб чиқувчи Кенгаш таркиби тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Ниҳол» мукофоти совриндорларига ҳар йили энг кам иш ҳақининг 70 баробари миқдорида 10 та пул мукофоти ажратилишини, совринларни тайёрлаш, матбаа, реклама ва ташкилий ишлар билан боғлиқ тегишли сарф-харажатларнинг қопланишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 25 август

# «БУХОРОЁҒ»

## ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

**XXI АСР САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА ФУҚАРОЛАРИНИ ЭНГ АЗИЗ, ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ ТОТЛИ ВА ЭНГ ФАРАХБАХШ БАЙРАМИМИЗ — ИСТИҚЛОЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!**





*Жаннатмакон ўлка — Ўзбекистонда ҳамиша тинчлик, осудалик бўлсин,*
*Оллоҳ ҳаммамизнинг ишларимизга ривож ва баракотлар ато этсин.*
*Бизнинг кўп миллатли аҳил жамоамиз эл дастурхони*
*тўкинчилигини таъминлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.*
*Кўплаб сифатли ва экологик соф ўсимлик ёғлари тайёрлаб, халқимизга етказиб беряпмиз.*
*Янги мавсум ҳам яқинлашиб қолди.*
*Бободеҳқонларимиз ўзлари етиштирган «оқ олтин»ни пахта заводларига топширадиган*
*вақтлар яқинлашди.*
*Ўз навбатида корхонамизга ҳам мағзи тўқ чигит келиши кутилмоқда.*
*Яқин кунларда омборларимиз чигитга тўлади.*
*Ана ўшанда бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишга киришамиз.*
*Тўкин-сочинликка ҳисса қўшамиз.*





*Оллоҳ Таоло бизнинг серқуёш мамлакатимизга саховат нурларини беҳад ёғдирган экан, ана шу заминни яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан доимо асрасин!*

# «ЯНГИ-ВЕГА» ЎЗБЕКИСТОН — АВСТРИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ




VANGI VEGA

*Ўзбекистоннинг барча аҳлини Мустақиллик байрами билан муборакбод этади.*

***Болалари қувноқ ва шодон ўсган юртнинг бахти кулган, иқболи доимо баланд бўлган. «Янги-Вега» ана шу йўлда меҳнат қилаяпти. Азизлар, бу йил «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди. Муҳими, қўшма корхонамиз исми жисмига монанд ушбу йилда ташкил топди, соғлом авлод учун маҳсулот тайёрлай бошлади. Тарихда қолди. Бундан беҳад қувончдамиз. Юртимиз доим тинч бўлсин. Барча-барчани Мустақилликнинг тўққиз йиллиги билан қутлаймиз.***

**«ЯНГИ-ВЕГА» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

# «БУЛОҚБОШИ ИПАГИ»

## ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

**Ватанимиз халқини қутлуғ байрам билан табриклар эканмиз, мамлакатимизда пиллачиликни ривожлантиришга катта эътибор берилаётганлигини қувонч билан таъкидлаймиз.**

**Яқин келажакда бу соҳада катта юксалишлар юз бериши кутилмоқда. Корхонамизда қилинаётган ишлар ҳақида эса илиқ гапларни айтиш мумкин. Яқингинада ташкил этилган янги цехимизда бежирим атлас ишлаб чиқара бошладик.**

**Бундан буён ҳам иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириб, корхонамизни янада ривожлантириш эзгу мақсадимиздир.**

*БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!*





## «ЎЗДОНМАҲСУЛОТ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОРПОРАЦИЯСИ

# «ТОШКЕНТНОН»

## ишлаб чиқарувчилар уюшмаси жамоаси



*мамлакатимиз аҳолисини, жумладан, асосий мижозларимиз–пойтахтликларни муқаддас байрамимиз – Мустақиллик куни билан табриклайди.*

***Гўзал пойтахтимиз азалдан нон шаҳри бўлиб келган ва ҳозир ҳам шу номда ардоқланмоқда. Мустақиллик йилларида унинг шуҳрати янада кенг ёйилди.***

***Уюшма таркибидаги корхоналарда ҳозирги кунда 172 хил нон ва нон маҳсулотлари, 82 хил қандолатчилик, 25 хил макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Тошкентликлар дастурхонига ҳар кеча-кундузда 550 тонна сифатли нон маҳсулотлари армуғон этилмоқда. Қўли гул нонвойларимиз пишираётган турли пархез ва шифобахш нонлар пойтахтликлар ва меҳмонларимизга манзур бўлмоқда.***

***Нон сероб жойда тинчлик, осойишталик, файзу барака бўлади. Нон — бу мамлакат қудратининг, бойлигининг азалий тимсоли. Бу муқаддас неъмат байрам дастурхонларига алоҳида кўрку файз бағишлайди.***




**Мустақиллик байрами ҳар бир хонадонга, ҳар бир оилага, ҳар бир юртдошимизга муборак бўлсин! Ҳар доим, ҳамиша нонингиз бутун бўлишини Оллоҳдан тилаб қоламиз!**

